Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

2016 ЙИЛ 4 МАРТ, ЖУМА

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 46 (13.109)

Баҳоси эркин нархда

Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади.

Ислом КАРИМОВ







СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА — ЖАМИЯТИМИЗ АСОСИ

Инсон бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан-да фаровон турмуш кечиришни хоҳлайди. Ўғил-қизларим соғлом ва баркамол, бекаму кўст ва бахтли яшасин, деб тиним билмай меҳнат қилади. Давлатимиз раҳбарининг 1994 йил 2 май куни Ўзбекистоннинг биринчи давлат мукофоти – "Соғлом авлод учун" орденини топшириш маросимида айтган "Соғлом авлодни тарбиялаш – буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш деганидир" деган сўзлари оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш авлодни ҳам маънавий, ҳам жисмоний тарбиялаш, уларда Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантиришда асосий йўналишни белгилаб берди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди. Ўтган йиллар давомида миллат генофондини яхшилаш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ва узоқ умр кўриш даражасини ошириш мақсадида соғлом авлод туғилиши ва унинг тарбияси учун қулай шарт-шароитлар яратишга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилди. Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда 1998 йил Оила йили, 2000 йил Соғлом авлод йили, 2001 йил Она ва бола йили, 2008 йил Ёшлар йили, 2012 йил Мустаҳкам оила йили, 2014 йил Соғлом бола йили, деб эълон қилингани ҳамда шу муносабат билан тегишли давлат дастурларининг бажарилгани бу борадаги эзгу ишларга мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Натижада, юртимиздаги **"Соғлом она – соғлом бола" концепцияси** халқаро миқёсда ҳам кенг эътироф этилмоқда. Ушбу концепциянинг изчил амалга оширилаётгани туфайли кейинги ўн йилда Тошкент шаҳрида ҳар 100 минг чақалоққа нисбатан оналар ўлими 44,6дан 22,1 тага, чақалоқлар ўлими эса 9,8 тадан 8,3 тага камайди. Ушбу кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига тўлиқ эришди. Бугунги кунда мамлакатимиз болаларининг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади. "Save the Children" халқаро ташкилоти рейтингига кўра, Ўзбекистон дунёдаги болалар саломатлиги тўғрисида энг кўп ғамхўрлик кўрсатадиган ўнта мамлакат қаторидан жой олган.

Юртимизда ҳар бир йилга ном бериш, унинг ижро механизми бўлган тегишли давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш эзгу анъана тусини олди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Президентимиз ташаббуслари билан 2016 йилнинг "Соғлом она ва бола йили"деб эълон қилингани жорий йилда ҳам бу борадаги изчил ишлар давом эттирилиб, унинг мазмуни ва самараси ҳам янада кенгайтирилади.

2016 йил 9 февралда тасдиқланган "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида **"Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади"** деган ҳаётбахш қадрият ва олижаноб ғояни жамиятимизда теран англаш ва қарор топтириш, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, жамиятда оналарга алоҳида ҳурмат-эҳтиром муҳитини мустаҳкамлаш, баркамол авлодни тарбиялаш, оила институтини мустаҳкамлашда давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар кўзда тутилган.

(Давоми 3-бетда)

МЕҲР ВА ЭЗГУЛИК ИФОДАСИ

4 март – "Соғлом авлод учун" ордени таъсис этилган кун



Давлатимиз раҳбарининг 1993 йил 4 мартдаги фармонига мувофиқ таъсис этилган мустақил Ўзбекистоннинг илк ордени – "Соғлом авлод учун" ордени билан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, атроф-муҳит мусаффолигига эришиш, Ватан равнақи учун хизмат қиладиган жисмонан соғлом, маънан етук авлодни вояга етказиш йўлида фидокорона хизмат қилаётган инсонлар мукофотланади.

Орденнинг тасвирида ўзига хос рамзий маъно-мазмун мужассам. Тинч ва осойишта Ватанимизни чароғон қилиб турган қуёшнинг заррин нурлари остида фарзандини бағрига босган мўътабар она сиймоси соғлом болани тарбиялаш халқимизнинг эзгу амали эканига ишорадир. Боланинг юксакка – қуёшга интилаётгани келажакда буюк ишларга қодир эканидан далолат, мунис онанинг зурриёдига қараган меҳр тўла нигоҳида соғлом фарзандининг униб-ўсишига мустаҳкам ишончи барқ урган.

Орден бириктирилган дастанинг ички қисми яшил рангдаги товланувчи лента билан ўралган. Лентанинг ўртасида уйғониш тимсоли бўлган гуллаб турган ўрик новдаси тасвири туширилган. У яшариш ва янгиланиш рамзи бўлган яшил ранг фонида янада теран мазмун ифода этади.

Жамият ҳаётининг турли жабҳаларида юқори натижаларга эришаётган кўплаб юртдошларимизнинг фидокорона меҳнати ушбу юксак мукофотга лойиқ кўрилмоқда.

Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ишига қўшган катта ҳиссаси ҳамда ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, соғлом турмуш тарзи тамойиллари руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 25 августдаги Фармонига биноан Нукус "Она ва бола скрининги" маркази бўлим мудири Феруза Кутлимуратова II даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан тақдирланди.

Феруза опа билан суҳбатлашганимизда мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлод тарбияси умуммиллат ишига айланганини фахр билан айтиб, қуйидагиларни алоҳида таъкидлади:

– Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Оролбўйи минтақасида ҳам туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш, болаликдан ногиронликнинг олдини олиш, соғлом бола туғилишини таъминлаш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Ўзимизга ғурур бағишлаб, бошқаларнинг ҳавасу ҳайратини тортаётган оламшумул ютуқларимизни халқимиз яхши билади, жаҳон ҳамжамияти кенг эътироф этаётир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бош директори Маргарет Чен "Ўзбекистоннинг соғлиқни сақлаш модели – дунёнинг кўплаб мамлакатлари учун намунадир", деган фикри бунга мисол.

Соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга қаратилган ислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда. Президентимиз таклифига биноан Соғлом она ва бола йили деб эълон қилинган жорий йилда бу борадаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда. "Соғлом авлод учун" ордени бу соҳада фидокорона меҳнат қилаётган юртдошларимизга куч-гайрат бағишлайверади.

Бекзод ҲИДОЯТОВ,
ЎзА шарҳловчиси

ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Жиззахда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида туман (шаҳар) ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ҳамда фуқаролар йиғинлари ходимларининг чораклик ҳисоботларини эшитишни ташкил этиш ва ўтказишнинг тартиб-тамойиллари" мавзусида намунали семинар ўтказилди.

● Урганчда "Божхона иши ҳуқуқий асоси такомиллашмоқда" мавзуида бўлиб ўтган матбуот анжумани Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 20 январдаги "Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексини тасдиқлаш тўғрисида"ги қонунига биноан тасдиқланган ҳамда 21 апрелдан кучга кирадиган янги таҳрирдаги Божхона кодекси мазмун-моҳиятига бағишланди.

● Бухорода Ўзбекистон халқ артисти Мутал Бурҳонов таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб вилоят болалар мусиқа ва санъат мактаблари хор жамоалари фестивали бўлиб ўтди.

● Нукусда "Хотин-қизлар: жамият, оила ва меҳнат" мавзусида ўқув-семинар ўтказилди. Соғлом она ва бола йили муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ҳузуридаги хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси томонидан ташкил этилган тадбирга иқтисодиётнинг турли тармоқларида, ижтимоий-сиёсий соҳаларда фидокорона меҳнат қилаётган, касаба уюшмалари ҳаёти ва жамоат ишларида фаол иштирок этаётган хотин-қизлар таклиф этилди.

● Самарқандда вилоят аҳолиси ва ижтимоий соҳа объектларини баҳорги мавсумда сабзавот ва полиз экинлари уруғи, дарахт, гул кўчатлари билан таъминлаш мақсадида ташкил этилган кўчма автодўконлар кўргазмали семинари ўтказилди.

ЖАҲОНДА

● Канададаги МакГилл университетининг биомуҳандислик бўлими раҳбари профессор Дэн Николау бошқараётган АҚШ, Голландия, Швеция ва германиялик олимларнинг халқаро гуруҳи томонидан "тирик ва нафас олувчи" биологик суперкомпьютернинг тажрибавий намунаси тайёрланди.

● Кеча Гайана пойтахти Жорж-таун шаҳрида жойлашган қатъий режимдаги қамоқхонада кўтарилган ғалаён натижасида камида 16 нафар маҳбус ҳалок бўлди.

● Исроилда жойлашган Ўлик денгиз сатҳининг пасайиб бориш жараёнининг тобора тезлашиб кетаётгани ушбу мамлакат олимларини ташвишга солмоқда. Агар жараён шу тариқа давом этаверса, Ўлик денгиз умуман қуриб қолиши мумкин.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР ҲУҚУҚИЙ БАЗАНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

Хабар қилинганидек, 3 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

Парламент қуйи палатаси мажлисининг кун тартибига киритилган масалалар олдиндан сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг, Қонунчилик палатаси қўмиталарининг мажлисларида вазирликлар ҳамда идоралар, фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари иштирокида дастлабки тарзда муҳокама қилинган эди.

Мажлисда таъкидландики, мамлакатимизда фуқароларнинг меҳнат қилишга, ишни эркин танлаш ва қулай меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқларини таъминлашнинг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларини яратиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу соҳага оид қонун ҳужжатлари изчил такомиллаштирилаётир.

Янги таҳрирдаги "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг моддама-модда муҳокамаси жараёнида депутатлар қайд этиб ўтдиларки, фуқароларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасига оид конституциявий ҳуқуқларининг кафолатларини янада мустаҳкамлаш зарурати бозор иқтисодиётининг изчил ривожланиши, ишлаб чиқаришларни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ислоҳотларнинг ҳуқуқий майдонини ривожлантириш билан боғлиқ.

Қонун лойиҳаси дастлаб қуйи палата қўмиталарининг аъзолари томонидан фуқаролик жамияти институтлари, меҳнат жамоалари вакиллари, мазкур соҳанинг мутахассислари иштирокида жойларда муҳокама этилди, бу эса қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш юзасидан қатор таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш имконини берди. Қонун лойиҳасининг муҳокамаси парламент қуйи палатасидаги Демократик кучлар блоки ва мухолифат фракциялари мажлисларида ҳам бўлиб ўтди, мажлислар якунларига кўра мазкур ҳуқуқий ҳужжат бўйича уларнинг нуқтаи-назарлари шакллантирилди.

– Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш чоғида биз давлатимиз раҳбари томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда белгиланган устувор вазифаларга алоҳида эътибор қаратдик. Умумий принцип ва механизмларни белгиловчи нормалар мумкин қадар батафсил кўриб чиқилди, ҳавола қилувчи нормалар камайтирилди, – дейди Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Ё.Умаров. – "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрири қонун нормаларини янгидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари, шунингдек, бозор иқтисодиётининг, демократик ислоҳотларнинг замонавий талаблари билан мувофиқ ҳолга келтиришга, ижтимоий шерикликни мустаҳкамлашга, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ва меҳнатга оид қонун ҳужжатларини ривожлантиришга қаратилган. Қонунда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш борасида давлат органларининг ваколатларини аниқ белгилаш, меҳнат шароитлари давлат экспертизасига доир талабларни ўрнатиш, иш ўринларининг аттестациясини ўтказиш, меҳнатни муҳофаза қилиш аудитини ташкил этиш, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги талабларни бузганлик учун иш берувчи ва ходимларнинг жавобгарлигини кучайтириш назарда тутилган.

Муҳокама давомида депутатлар янги таҳрирдаги "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонун ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларининг қўлланилиши масалалари юзасидан фикр алмашдилар. Кўриб чиқилаётган қонун меҳнатни муҳофаза қилиш борасида мустаҳкам ҳуқуқий асосга айланажаги таъкидлаб ўтилди.

Қайд этилдики, қонун лойиҳаларини тайёрлаш чоғида уларнинг давлат бошқарувининг, фуқаролик жамияти институтларининг турли даражаларида таъсирчан муҳокамасини ташкил этишга катта эътибор қаратилди. Қонун ҳужжатлари лойиҳаларини муҳокама қилиш жараёнида етакчи мутахассислар, олимлар, тегишли соҳалар амалиётчилари, фуқаролик институтларининг вакилларидан иборат Қонунчилик палатаси қўмиталари ҳузурида ташкил этилган эксперт гуруҳларининг аъзолари фаол қатнашдилар. Қонун лойиҳаларининг оммавий ахборот воситаларида муҳокамаси ташкил қилиниб, бунда уларнинг моҳияти ва аҳамияти кенг жамоатчилик эътиборига етказилди.

(Давоми 2-бетда)

ДЕПУТАТЛАР ҲУҚУҚИЙ БАЗАНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мажлис иштирокчилари ўтган йил декабрь ойида биринчи ўқишда қабул қилинган "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқишга алоҳида эътибор қаратдилар. Демократик кучлар блокининг таклифига кўра янги таҳрирдаги мазкур қонун лойиҳасини қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Республикамизда бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига хўжалик юритувчи субъектлар томонидан риоя этилишини, ушбу соҳада яхлит тизимни шакллантиришга доир вазифаларнинг самарали ҳал этилишини таъминловчи бухгалтерия ҳисоби тизимининг юзага келиши ва шаклланишининг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилганлиги таъкидланди.

Мажлис иштирокчилари таъкидладиларки, таклиф этилаётган янгиликлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва "Ишбилармоник муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонларида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишга хизмат қилади. Киритилаётган янгиликлар, шунингдек, бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш борасида мансабдор шахсларнинг, бухгалтерия хизмати раҳбарларининг жавобгарлигини янада оширишга ёрдам беради. Қонун халқаро принциплар ва стандартларга мувофиқ бухгалтерия ҳисоби тизимининг янада ривожланиши, иқтисодиётнинг ўсиши учун қўшимча шароит ва имкониятлар яратади.

– Айрим тушунчаларнинг ўз вақтида мустаҳкамлаб қўйилаётганлигини, хусусан, "бухгалтерия ҳисоби", "бухгалтерия ахбороти" тушунчаларининг аниқ белгиланганлигини, бу эса бухгалтерия ҳисобини юритиш принципларини янада тўлиқ очишга хизмат қилишини таъкидлаб ўтмоқчиман, – дейди Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси А.Тўхтабоев. – Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш чоғида Қонунчилик палатаси депутатлари, қўмиталари, депутатлар бирлашмалари, давлат органлари, жамоат ташкилотлари, олимлар, экспертлар ва амалиётчи бухгалтерлар томонидан мазкур қонун лойиҳасини такомиллаштиришга доир 70 дан ортиқ таклифлар билдирилди. Уларнинг аксарияти қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш чоғида инобатга олинди. Қонуннинг янги таҳрири фракциялар, шунингдек, Демократик кучлар блоки ва мухолифат фракциялари мажлисларида муҳокама қилинди, уларнинг нуқтаи назарлари ишлаб чиқилди.

Парламент қуйи палатаси депутатлари республикамизда донорликни янада ривожлантиришга қаратилган "Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулкдорлар, жамоат ташкилотларининг назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан бевосита судга ёки бўйсунув тартибида юқори органга ёхуд мансабдор шахсга шикоят қилиш ҳуқуқини назарда тутувчи "Табиий монополиялар тўғрисида"ги ва "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқдилар.

Моддама-модда муҳокамадан сўнг депутатлар мазкур қонунлар лойиҳаларини маъқулладилар.

Парламент қуйи палатаси аъзолари қатор қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда кўриб чиқадилар. Хусусан, "Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси қонун нормаларини халқаро талабларга мувофиқ ҳолга келтиришни назарда тутади, бу эса истеъмолчилар ва давлатнинг маҳсулот, жараёнлар ва хизматлар хавфсизлиги соҳасидаги манфаатларининг ҳимоя қилинишини, маҳсулотни синаш ва ўлчаш халқаро услубларининг татбиқ этилишини таъминлайди.

Депутатлар "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини ҳам кўриб чиқдилар. Таъкидланганидек, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши геология-қидирув ишлари самарадорлигини янада оширишга ва ер ости бойликларидан фойдаланиш соҳасида рақобатли муҳитни яратишга, шунингдек, республикамизнинг минерал-хомашё базасидан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларини сифатли ижро этишга ёрдам беради.

Қонунчилик палатаси мажлисида, шунингдек, фаолиятнинг айрим соҳаларини янада ривожлантиришга қаратилган бир қатор бошқа қонун лойиҳалари биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Муҳокама якунларига кўра депутатлар қонун лойиҳаларини концептуал жиҳатдан маъқулладилар ва уларни биринчи ўқишда қабул қилдилар. Келиб тушган таклифларни инобатга олган ҳолда ҳужжатларни кейинги ўқишга тайёрлаш масъул қўмиталарга топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати

ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон ва Ҳиндистон фармацевтика саноати вакилларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда икки мамлакатнинг фармацевтика соҳасида фаолият юритувчи компания ва концернлари раҳбарлари ва мутахассислари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари вазифасини бажарувчи Н.Дадахонова, Ҳиндистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси В.Кумар ва бошқалар Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги кенг кўламли муносабатлар сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар каби қатор йўналишларда, жумладан, фармацевтика соҳасида изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил май ойида Ҳиндистонга давлат ташрифи ҳамда Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Модининг 2015 йил июль ойида мамлакатимизга расмий ташрифи икки томонлама манфаатли алоқаларни янада фаоллаштириш учун кенг имкониятлар очиб берди.

Мамлакатларимиз ўртасида имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма баёнот савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни изчил ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда Ҳиндистон сармояси иштирокида тузилган саксондан зиёд корхона, мазкур мамлакатнинг йигирмадан ортиқ фирма ва компанияси ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда.

Фармацевтика саноати Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги самарали ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидандир. Айни пайтда мамлакатимизда ушбу соҳага ихтисослашган "Новафарм", "Браво Фарм", "Ультра Хелс Кеар" ва "Гуфик Авиценна" қўшма корхоналари муваффақиятли иш юритмоқда.

Бизнес-форумда Ўзбекистон Республикасининг "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги қонуни мамлакатимизда фармацевтика саноатини ривожлантиришда дастуруламал бўлиб хизмат қилаётгани қайд этилди. Меҳмонларга мамлакатимиз фармацевтика корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, импорт ўрнини босадиган дори воситалари турларини янада кенгайтириш ва бу борадаги экспорт салоҳиятини юксалтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Ўзбекистон фармацевтика корхоналарининг етакчи саноат бирлашмаси – "Ўзфармсаноат" акциядорлик концерни дори воситалари ва биопрепаратлар ишлаб чиқарувчилар фаолиятини мувофиқлаштириш, фармацевтика саноатини ривожлантириш ва аҳолининг дори-дармонга бўлган талабини қондиришда муҳим ўрин тутмоқда. Концерн ўз фаолияти мобайнида доривор ўсимликларни етиштириш, йиғиш, тайёрлаш, қадоқлаш, дори воситаларини ишлаб чиқариш ҳамда етказиб бериш бўйича самарали фаолият кўрсатмоқда.

Айни пайтда мамлакатимиздаги юздан зиёд фармацевтика корхонасида 1700 дан ортиқ дори воситаси ишлаб чиқарилмоқда. Бу ички бозорнинг учдан бир қисмини дори воситалари билан таъминлаш имконини бермоқда. Ўттизга яқин корхонада халқаро сифатни бошқариш тизими жорий этилган. Мазкур йўналишда фаолият кўрсатаётган илмий-тадқиқот институтлари олимлари янги препаратлар яратиш устида ишламоқда. Бу ишлаб чиқарувчиларни кўпайтириш ва маҳаллий препаратлар тайёрлашни янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон фармацевтика саноатига хорижий инвестицияларни жалб этиш борасида олиб борилаётган ишлар, бу йўналишда чет эллик сармоядорлар учун яратилган қулай шароит ва имкониятлар хусусида сўз юритилди. Соҳага инвестициялар жалб этилаётгани самарасида дори-дармон ва тиббиёт ускуналарини ишлаб чиқариш мутасил кенгайиб бораётир. Бугунги кунда Ўзбекистон фармацевтика саноати вакиллари Ҳиндистон, Германия, Хитой, Жанубий Корея, Россия, Польша, Болгария, Чехия, Туркия ва бошқа мамлакатларнинг йирик ишлаб чиқарувчилари билан тажриба алмашиб, ҳамкорликда истиқболли лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда.

Ҳиндистонлик ишбилармонлар Ўзбекистонда фармацевтика соҳасида қўлга киритилаётган улкан ютуқларни юксак баҳолади.

– Ўзбекистон фармацевтика саноатини ривожлантириш учун улкан салоҳиятга эга мамлакат, – деди Ҳиндистоннинг "Ravenbhel Healthcare" компанияси бизнесни ривожлантириш директори Сахил Махажан. – Компаниямиз дори воситалари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Ўзбекистон бозори биз учун ғоят истиқболли. Мамлакатингиз фармацевтика саноати имкониятлари билан яқиндан танишиб, ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш ниятидамиз.

Анжуманда Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида фармацевтика соҳасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи таҳлил қилиниб, уни янада ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди. Тармоқда янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ҳамкорликда тайёрланаётган дори-дармонлар турларини кенгайтириш, бу борада тажриба алмашувини фаоллаштириш, қўшма корхоналар ташкил этиш орқали икки мамлакат бизнес вакилларининг амалий ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга келишиб олинди.

Шу куни Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг фармацевтика компаниялари ва корхоналари вакиллари иштирокида кооперацион биржа бўлиб ўтди.

Ирода УМАРОВА,
ЎзА мухбири

Бугунги кунда ҳаётимизни пластик карточка ва терминалларсиз тасаввур қилиш қийин. Миллий матбуот марказида "Асака" банк пластик карточкаларининг қулайлиги ва афзалликлари" мавзуида бўлиб ўтган йиғилишда бу соҳанинг ривожланиш тенденциялари кўрсатиб берилди.

ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРИНИНГ ҚУЛАЙЛИК ВА АФЗАЛЛИКЛАРИ

Акционерлик тижорат "Асака" банк пластик карточкаларни ривожлантириш Департаменти директори Бекзод Абдураҳмоновнинг маълумотига кўра, пластик карточка пул муомаласи тизимини такомиллаштириш, муомаладаги нақд пулнинг умумий қийматини қисқартириш, нақд пул маблағларини муомалага чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ умумдавлат харажатларини камайтириш, аҳолининг бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб қилиш ва уларни хўжалик айланмасига киритиш, ижтимоий фондларнинг маблағларини нақд пулли айланмадан нақдсиз айланма тизимига ўтказиш, пул маблағларининг айланиш тезлигини ошириш имконини беради.

Пластик карточкалар орқали савдо ва хизмат кўрсатиш тизими тобора такомиллашаётгани аҳолига ҳар томонлама қулайлик яратмоқда. Анжуманда "Uzcard EMV" онлайн пластик карточканинг қулайликлари ҳақида сўз борди. Мисол учун пластик карточкангизнинг ҳисобини тўлдириш учун банкка келиб юрмайсиз, у онлайн тарзда ишлайди, агар мижоз пластик карточкасини йўқотса ўша заҳоти карта ҳисоб рақамини блокировка қилиш имконияти мавжуд. Чунки СМС орқали пластик карточкадаги маълумотлар уяли телефонингизга келиб туради.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда Ўзбекистон Банклар ассоциацияси томонидан 2016 йил 25 февралда тасдиқланган банклараро чакана тўлов тизимида мижозларга хизмат кўрсатишда "сўм" пластик карточкалари орқали ҳисоб-китобларни амалга оширишда банк томонидан амал қилиниши лозим бўлган тарифлар режасига асосан "Асака" банк 1 мартдан мижозларга имтиёзли хизмат кўрсата бошлагани ҳақида ҳам кенг маълумотлар берилди.

З.ШАРИФЖОНОВ

Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

МАҲАЛЛАЛАР ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛ ЭТИЛДИ

Мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини қуришда давлат ва жамият бошқарувида фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини янада кенгайтиришга қаратилган ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Мазкур жараёнда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти ва ўрни муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли фуқаролик жамиятининг мазкур институти фаолиятини такомиллаштириш ва ваколатларини янада кенгайтириш мақсадида мамлакатимизда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида" ва "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови ка кенгашининг 2015 йил 31 декабрдаги 2-сонли баёнига асосан «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида туман (шаҳар) ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ҳамда фуқаролар йиғинлари ходимларининг чораклик ҳисоботларини эшитишни ташкил этиш ва ўтказишнинг тартиб-тамойиллари» мавзусида республикамизда ҳудудий семинарлар ўтказилмоқда.

Шундан сўнг, Учтепа туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Каримбердиевнинг фуқаролар йиғинлари фаолиятига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботи тингланди. Ҳисоботда аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож, кам даромадли қатламларини моддий қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолияти субъектларини ташкил этиш ва ривожлантириш, ҳудуддаги аҳолининг айниқса, коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, санитария ҳолатини яхшилаш, коммунал хизмат ташкилотлари томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш юзасидан бажарилган ишлар тўғрисида маълумотлар берилди.





тўғрисида"ги қонунлари янги таҳрирда қабул қилинди.

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуннинг 11-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳар чоракда маҳаллий давлат ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг фуқаролар йиғинлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитиши ҳамда фуқаролар йиғинлари органларининг фаолиятлари юзасидан вакиллар йиғилиши олдида ҳисобот бериш тартиб қоидалари белгиланган.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига мазкур ваколатнинг берилиши жойларда фуқаролар йиғинлари фаолиятига кирувчи масалаларни ҳал қилиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш, фойдаланилмаган имкониятларни ишга солиш, истиқболдаги режаларни белгилаш ва уларни амалга ошириш тизимини яратиб берди.

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг фуқаролар йиғинлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитиш амалиётини кенг жорий қилиш масаласи Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг 2015 йил 31 декабрдаги 2-сонли баёнига асосан «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида туман (шаҳар) ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ҳамда фуқаролар йиғинлари ходимларининг чораклик ҳисоботларини эшитишни ташкил этиш ва ўтказишнинг тартиб-тамойиллари» мавзусида республикамизда ҳудудий семинарлар ўтказилмоқда.

Хусусан, Тошкент шаҳрининг Учтепа туманида мазкур мавзудаги дастлабки намунавий ўқув-семинар ташкил этилди. Тадбирга Тошкент шаҳар адлия бошқармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг шаҳар бўлими, фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси, Учтепа туман ҳокимлигининг мутасадди ходимлари, тумандаги давлат ва нодавлат ташкилотлари раҳбарлари, фуқаролар йиғинлари раислари, ОАВ ходимлари ҳамда соҳа мутахассислари таклиф этилди.

Ушбу ўқув-семинарда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи Аҳрор Ғуломов, Тошкент шаҳар Адлия бошқармасининг катта маслаҳатчиси Зоир Жабборов, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси раҳбари Дониёр Аюповлар ўз маърузаларида ҳисоботларни эшитишнинг ташкилий ва ҳуқуқий асослари, тартиби, аҳамияти, ҳисоботни эшитиш якунлари бўйича қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиш механизмлари тўғрисида батафсил маълумот бердилар.

Учтепа туман ҳокимининг ҳисоботи юзасидан "Қорёғди" фуқаролар йиғини вакиллари томонидан тадбиркорликни ривожлантириш, коммунал хизмат кўрсатиш масалалари ва таълим соҳаларига доир айрим муаммолар ва таклиф-тавсиялар билдирилди.

Тадбир давомида Учтепа туманидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари вакилларининг соҳага доир саволларига давлат бошқаруви органлари ходимлари томонидан батафсил жавоблар берилди. Ўқув-семинар қизғин ва баҳс-мунозараларга бой тарзда бўлиб ўтди.

Фуқаролар йиғини томонидан маҳаллий давлат ижро этувчи ҳокимият органлари ҳисоботларининг доимий эшитиб борилиши – юзага келган муаммоларни ўз вақтида бартараф этишга ва жамоатчилик назоратини амалга оширилишига, фуқаролар йиғинлари ходимлари ва комиссиялар аъзолари фаолиятининг самарали ташкил этилишига, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашга, давлат органлари ва фуқаролар йиғинлари ўртасидаги ижтимоий ҳамкорлик муносабатларининг янада кучайишига хизмат қилади.

Б.СУЛТАНОВ,
К.ТАГАЕВ,
М.ГИЯЗОВ

ҲАЁТ БОҒИНИНГ ГУЛЛАРИ

Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг саҳифаси

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни

СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА – ЖАМИЯТИМИЗ АСОСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш, кучли, барқарор ва фаровон давлат негизи сифатида оила институтини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш Давлат дастурида белгиланган муҳим йўналишлардан биридир.

Хусусан, жорий йилда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонуни лойиҳасини тайёрлаш ишлари бошланди. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Мурувват уйлари, бошқа давлат ва нодавлат таълим муассасаларида тарбияланаётган ногирон болаларга кундузи қараш марказлари (гуруҳлари)ни ташкил этиш кўзда тутилган қарорини қабул қилиш ҳам режалаштирилмоқда.

Жорий йилда тиббиёт муассасалари, хусусан, перинатал ва скрининг марказларининг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларининг хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш, патронаж тиббиёт ҳамшираларини кўпайтириш, акушер-гинекологлар ва педиатрлар малакасини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Дастур доирасида Тошкент шаҳрида 280 ўринли, бир сменада 250 кишини қабул қилиш ва йилда 1500 операция ўтказишга мўлжалланган ҳамда замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган 4-даражали болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази барпо этиш алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу, ўз навбатида, оналар ва болаларга юқори технологияли малакали тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини янада ошириш, чақалоқлик давридан 18 ёшга тўлгунига қадар болаларга кардиожарроҳлик, нейрожарроҳлик, урология, нефрология, онкология ва бошқа ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш, болалар ўлими ва ногиронлигини камайтириш имконини беради, албатта.

Хотин-қизларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, уларга тиббий ёрдам кўрсатишни кенгайтириш мақсадида комплекс тиббий хизмат кўрсатиш учун Тошкент шаҳрида 4-даражали Аёллар саломатлик марказини ташкил этиш лойиҳаси ҳам тайёрланмоқда. Ушбу марказ энг илғор ташхис қўйиш ва даволаш ускуналари билан жиҳозланади, унинг қошида замонавий маслаҳат поликлиникаси ва операция блоки ҳам ташкил этилади.

Ҳомиладор аёллар ва чақалоқларни перинатал ва неонатал скринингдан ўтказиш орқали уларда туғма ҳамда ирсий касалликларни эрта аниқлаш, ҳомиладор аёлларни бирламчи соғлиқни сақлаш тизими бўғинида оммавий перинатал ультратовушли скринингдан ўтказиш, Тошкент шаҳридаги Республика скрининг марказини кўп функцияли замонавий рақамли ультратовуш тизими билан жиҳозлаш Давлат дастурида белгиланган муҳим вазифалар сирасига киради. Буларнинг барчаси болаларнинг туғма ва ирсий касалликлар билан туғилишининг олдини олиш, болалар ногиронлиги ва ўлимини камайтириш имконини беради.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида турмуш қураётган ёшларнинг никоҳдан олдин тўлиқ тиббий кўрикдан ўтишини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Шу мақсадда, тиббиёт ходимлари масъулиятини янада кучайтириш, шу асосда туғма ва ирсий касалликлар сонини камайтириш, поликлиникаларни замонавий ташхис қўйиш ускуналари билан жиҳозлаш, кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини юксалтириш, аҳоли ўртасида мустаҳкам оила қуриш ва соғлом фарзанд туғилиши учун никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтишнинг муҳимлигини тушунтириш мақсадида кенг кўламли тарғибот ишларини амалга ошириш кўзда тутилган. Шунингдек, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, санитария ва гигиена, ҳомиладор аёллар соғлиғини сақлаш ва психофизиологик аҳволини яхшилаш, ёш оналар ва болаларни тегишли тарзда парваришлашни кучайтириш, уларнинг овқатланиш рациони сифати ва калориясини бойитиш чора-тадбирлари ҳам амалга оширилади.

Тўғри овқатланиш ва диетология соҳасида ягона илмий ҳамда амалий сиёсатни замонавий халқаро стандартларга мувофиқ янада такомиллаштириш мақсадида Тошкент тиббиёт академияси ҳузурида Республика диетология илмий-амалий марказини ташкил этиш режалаштирилган.

Мамлакатимизда ўтган йиллар давомида болаларнинг соғлом туғилиши ва соғлом улғайиши учун кенг шароитлар яратилди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, таълим тизимини такомиллаштириш, болалар спортини, айниқса қизлар ўртасида ривожлантириш каби соҳалардаги изчил ислоҳотлар бир-бирини тўлдириб, узвий тизим шаклини олди. Бугун замонавий тиббий марказлар, таълим муассасалари, спорт иншоотлари ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Айни пайтда болалар спортининг ривожи соғлом авлодни тарбиялашнинг яна бир муҳим воситасига айланди.

Ўсиб келаётган ёш авлодни жисмоний такомиллаштирадиган энг таъсирчан восита спорт ҳисобланади. Спорт машғулотларини 5-7 ёшдан бошлаш мумкин. Лекин, у оширилган жисмоний юклама талаб қилганлиги туфайли, врач ўқувчига спорт турини танлашга ёрдам бериши ва ёшини кўрсатиши керак. Шундан сўнг, у шуғуллана бошлаши мумкин. Спорт турини тўғри танлаш касалланишни профилактика қилувчи омил ҳамда бир мунча юқори натижаларга эришиш воситаси сифатида ҳам муҳимдир. Танланган спорт турига барқарор қизиқишнинг ривожланиши узоқ вақтгача спортни такомиллаштириш имконини беради. Ҳар бир ўсмир учун спорт турини танлаш спорт йўналишининг вазифасидир. Бунда морфо-функционал хусусиятлар, физиологик кўрсаткичлар, жисмоний сифатлар, олий асаб фаолиятининг индивидуал хусусиятлари ва бола ҳамда ўсмирнинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олиб, педагогик, тиббий-биологик, шунингдек, психологик услублардан фойдаланиш зарур. Ўсмирнинг индивидуал хусусиятлари танланган спорт турига мос келиши шарт.

Спорт билан шуғулланишнинг таъсирини баҳолаш натижалари кўп сонли тадқиқотчилар томонидан эътироф этилишича, жисмоний машқлар билан мунтазам равишда шуғулланиб туриш саломатликни мустаҳкамлайди, ёш спортчилардаги шамоллаш касалликлари ва вирусли инфекцияларга носпецифик резистентлигини оширади. Жумладан, олимларнинг 7 ёшдан бадиий гимнастика билан шуғулланишни бошлаган қизларни узоқ йиллар давомида кузатишлари шуни кўрсатдики, машқлар бошлангандан кейинги 3 йил ичида улардаги респиратор касалликлар, машғулотларга қатнашмайдиган тенгдошларига нисбатан 3 марта камроқ учраган, ишчанликни йўқотиш кунлари сони деярли 3 мартага камайган. Грипп билан касалланиш сони ва миқдори ўша ишга лаёқатсизлик кунларида, машқ қилмаган қизларнинг назоратдаги гуруҳига қараганда 1/3 баробарга кам бўлган. Касалликнинг ўртача давомийлик кўлами ёш гимнастикачи қизларда паст бўлган.

Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишнинг болалар саломатлик ҳолатига ижобий таъсир кўрсатишига асосли далиллар мавжуд. Тошкент шаҳрида 2015 йили 2010 йилга нисбатан ўқувчилар орасида ўткир респиратор вирусли инфекциялар билан касалланиш – 9,1 %, пневмония – 10,2 %, бронхит – 12,1 % ва сколиоз билан касалланиш – 8,4 %га камайган. Болалар орасида касалланишнинг камайиши, ўз навбатида амалда соғлом болалар сони ортишига имкон яратди. 2010 йилдан 2015 йилгача бўлган даврда профилактик кўрикларнинг маълумотига кўра 6-14 ёшдаги амалда соғлом болалар фоизи (саломатлик кўрсаткичлари томонидан чекланишлари бўлмаган ва спорт билан чуқурроқ шуғулланишга қарши кўрсатмаларга эга бўлмаган болалар) 11,4 %га ошган, яъни 77,1 %ни ташкил этмоқда; саломатликнинг 11 гуруҳига мансуб болалар сони (ўтувчан характерга эга бўлган касалликлари бор болалар, булар саломатликларини тиклаб олишгач, амалда соғлом болалар ҳисобланишади ҳамда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари мумкин) 7,1 %га, сурункали касалликлари бор болалар сони – 2,6 %га камайган. Сўнгги 5 йил ичида 10-14 ёшдаги ўғил болалар орасидаги ўсиш ўртача 3,1 см.га, қизларда эса – 2,6 см.га ошган, вазнлари эса тегишлича – 3,4 ва 3,0 кг. кўпайган. Буларнинг ҳаммаси ҳам мазкур йўналишдаги ижобий кўрсаткичлар ҳисобланади.

Қизлар шуғулланадиган спорт тури уларнинг саломатлиги ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиши муҳим ҳисобланади. Бу маънода бадиий гимнастиканинг аҳамияти нақадар бебаҳо эканлигини эътироф этиш лозим.

Бугунги кунда бадиий гимнастика билан Тошкент шаҳрида 2500 нафардан ортиқроқ қизлар шуғулланишмоқда. Агар спорт гимнастикаси билан таққослаб кўриладиган бўлса, бадиий гимнастика – спортнинг анча ҳаммабоп ва хавфсиз турларидан бири саналади. Қизалоқларни бадиий гимнастика билан шуғулланишга бериш 5-6 ёшлардан тавсия этилади. Бу ўринда тайёргарлик ишларини рақс элементларига бой бўлган машқлар орқали болалар боғчасида бошлаш ўринлидир.

Таққослама таҳлил натижалари, ёш спортчи қизлар спортнинг бадиий ва спорт гимнастикаси, сузиш, енгил атлетика каби турлари билан ҳар ерда шуғулланаётганликлари барча минтақаларда уларнинг уйғун жисмоний ривожланаётганлигининг ижобий томонга ўзгарганлигини кўрсатмоқда; бўйнинг ўсиши, уйғунлашув ва оғирликнинг бўйга нисбатан мослиги, нафислик ҳамда эгилувчанлик кўрсаткичлари бунинг далилидир. Қизлардаги кўзга ташланарли даражада динамикага эга бўлган кўрсаткичлар уларнинг узоқ вақт бадиий ва спорт гимнастикаси билан шуғулланишларига боғлиқ бўлиб, спортнинг ушбу тури билан уч йилдан зиёд вақт шуғулланадиган қизларнинг бўйи 1 см.га, 2 йилдан буён шуғулланадиган мазкур ёшдаги қизларга нисбатан 2,5 – 4 см.га узунроқ. Бўй ва оғирлик кўрсаткичларидан ташқари, бу кўрсаткичларнинг ёшга доир маънавий ва маданий тарбиясининг уйғунлашуви ҳам қайд этилмоқда.

1999 йилда аёл мураббийлар сони Тошкент шаҳрида 1200 нафарни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2012-2015 йиллар давомида 10000 нафарга етди. Аёлларга хос спорт турларининг оммалашиб бораётгани, турли халқаро мусобақаларда ғолибликни қўлга киритаётганларнинг катта қисмини хотин-қизлар ташкил этаётгани, жумладан, Республика бўйича Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг 30 нафари спорт соҳасида эришган ютуқлари учун давлатимизнинг юксак эътиборига сазовор бўлганликлари мамлакатимизда хотин-қизлар спортига берилаётган эътиборнинг ёрқин мисолидир. Бугунги кунда Тошкент шаҳрида 1 та синхрон сузиш, 1 та бадиий гимнастика Федерациялари ташкил этилган бўлиб, уларнинг фаоллигини ошириш юзасидан турли хил мусобақалар, тадбирлар, учрашувлар, марафон ва фестивалларга ўтказиб келинмоқда.

